

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ҲАМДА РИВОЖЛАНИШИ МАВЗУЛАРИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Ж.Тошқулов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Давлат ва ҳуқуқ институтининг Назарий-
тарихий, давлат-ҳуқуқий ва конституциявий-
ҳуқуқий фанлар бўлими бошлиғи,
ю.ф.д., профессор*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш методологиясининг таркибий қисмларидан бири бўлган принциплар тушунчаси ва уларнинг илмий изланишларни амалга оширишдаги аҳамияти, принципларнинг алоҳида турларидан давлат ва ҳуқуқ масалалари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишдан фойдаланиладиган принципларнинг турлари ҳақида ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари, шу жумладан ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазалари баён қилинган.

Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боришда фикрлар хилма-хиллиги принципи, ўрганилаётган муаммоларга ҳолисона ёндашув принципи, оламни, шу жумладан жамият оламининг таркибий қисмларидан бири бўлган давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишини билиш принципи, тарихийлик принципи кабиларни тушунчаси, мазмун-моҳияти, улардан фойдаланишнинг илмий изланишлардан кўзланган мақсадга эришиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилишда ўрни ва роли ҳақида мақола муаллифининг фикр-мулоҳазалари билдирилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон, ҳудуд, давлат, ҳуқуқ, пайдо бўлиш, ривожланиш, принциплар, олам, билиш, фикрлар, хилма-хиллик, ҳолисоналик, тарихийлик, ёндашув.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши ҳақидаги мавзуларда илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш методологиясининг муҳим таркибий қисмларидан бири илмий изланишлар принципларидир. Аниқ принципларга таянган ҳолда амалга оширилган илмий тадқиқотларгина улардан кўзланган натижаларни бериши ва тадқиқотчи мазкур натижалар асосида илмий асосланган тўғри хулосаларни чиқариши ҳамда тақлиф ва тавсияларни

бериши мумкин. Акс ҳолда тадқиқотга сарфланган вақт, меҳнат ва маблағ зое кетади, кўзланган натижага эришилмайди.

Принцип сўзи лотинчада ибтидо, асос, илк, сабаб маъноларини англатиб, кундалик ва илмий мулоқотда турли аҳамиятга эга бўлган фактлар ва билимлар мажмуининг асоси, пойдевори; ҳар қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор ва фаолиятнинг бошланғич қоидалари маъноларида қўлланилади. Ўзбек тилидаги адабиётларда, маъруза-нутқларда “принцип” сўзининг синоними сифатида “тамойил” сўзи ҳам ишлатилади. Жаҳон фалсафа қомусида қайд этилишича: “Тамойил - бирор-бир таълимот, дунёқарашнинг асосий, бирламчи қоидаси, устувор ғоялари, амалий фаолиятнинг асосий йўналиши. Шунингдек, инсоннинг борлиққа муносабати, унинг хатти-ҳаракатлари ва фаолияти меъёрларини белгиловчи ички омил ҳам тамойил ҳисобланади”¹.

Ижтимоий-гуманитар фанларда амалга ошириладиган илмий изланишларда қўлланиладиган принциплар (тамойиллар) айнан бир хил бўлмасда, тадқиқот объекти ва предметиға боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Хусусан, ҳозирги замон фалсафасида воқеликни билиш принципларини икки турга бўлиш анъанавий тус олган.

Биринчи турга мансуб принциплар: холислик, тизимлилик, тарихийлик, диалектик зиддиятчилик. Ушбу принциплар воқеликни билишда дастлабки асос бўлиб хизмат қилади. Илмий изланишларни амалга ошириш жараёнида бевосита қўлланиладиган принциплар: мавҳумликдан аниқликка бориш, мантиқийлик ва тарихийлик бирлигилардир.

Умуман илмий изланишни амалга ошириш, хусусан, давлат ва ҳуқуққа оид масалаларни тадқиқ этиш қандай принципларга асосланиб амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги ҳақида олимлар ўртасида яқдиллик йўқ. Ҳар қандай фан соҳасида илмий изланишларни олиб боришни асосий принциплари қаторига П.Я. Панковская назария ва амалиётнинг бирлиги принципини, муайянлик принципини, аниқлик киритиш принципини, билиш принципини, холислик принципини, сабабият принципини, ривожланиш принципини киритади².

О.Г. Данильян ва В.М. Тараненко фикрича, “илмий изланишларнинг асосий принциплари тадқиқотнинг холислиги, муаммони ҳар томонлама ва атрофлича кўриб чиқиш, муаммога аниқ-тарихий ёндашув, бутунни иккига бўлиб ва уни қарама-қарши томонлардан билиш, миқдор ва сифат таҳлили бирлиги; танқидий ёндашув ва билишдаги маъқуллашни кўшиб олиб бориш,

¹ Қаранг: Назаров. Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамаияти” нашриёти. 2002. – Б. 86, 265.

² Қаранг: Панковская П.Я. Методология научных исследований. Курс лекций. Минск, 2002. – С. 12-13.

воқеа-ҳодисаларни юзаки билишдан унинг моҳиятини билишга, моҳиятни унчалик чуқур бўлмаган билишдан чуқурроқ билишга ўтишдир”³.

В.М. Сырыхнинг қайд этишича, “Россиядаги фалсафий ва юридик адабиётларда илмий билишнинг асосий принциплари сифатида қуйидагилар эътироф этилган: холислик принципи, объектив оламни билиш мумкинлиги принципи; билишнинг ҳар томонлама бўлишлиги принципи, тарихий ва аниқ-тарихий ёндашувлар принципи, алоҳида воқеа-ҳодисани унинг қарама-қарши томонларини ажратган ҳолда билиш ва ҳоказо”⁴.

Ҳар қандай фан соҳасига оид мавзуларда илмий тадқиқотларни амалга оширишда у ёки бу принципларни қўллаш (фойдаланиш) дан кутилаётган мақсадга эришиш кўп жиҳатдан илмий изланишни қандай фалсафий асосларга таянилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Агар илмий изланишда бирор-бир принципдан масалан тарихийлик принциpidан диалектик материализм фалсафаси таълимотига асосланиб фойдаланилса бир натижага, агар худди шу принципдан идеалистик фалсафа таълимотига асосланиб фойдаланилса бошқа натижага эга бўлиш мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Н.А. Пьяновнинг ёзишича, “сўнги пайтларда юридик фанлар бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда фикрлар хилма-хиллиги принципи, атроф оламни билиш мумкинлиги принципи, холислик принципи, ҳартомонламалик ва тўлиқлик принципи, тарихийлик принципи кабиларга эътибор қаратилмоқда”⁵.

Фикрлар хилма-хиллиги принципи - плюрализм принципи деган ном билан аталадиган принцип илмий мулоқотда кенг қўлланилади. Плюрализм лотинчада кўплик, кўп хиллик, кўп сонлик, ижтимоий-сиёсий фалсафий маънода фикрлар ва қарашларнинг ранг-баранглигини англатади. Плюрализм атамаси илк бор немис файласуфи Х.Вольф томонидан 1712 йилда илмий муомалага киритилган.

Плюрализм ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли ижтимоий гуруҳлар ва улар манфаатларини ҳимоя этувчи сиёсий партиялар, уюшмалар, ҳаракатлар, ташкилотлар эркинлигини ва соғлом рақобатни ифодалайди. Плюрализм ҳозирги замон ислохотчилигининг асосий ғояларидан бири сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кенг тарқалиб бормоқда.

Плюрализм ижтимоий-сиёсий муаммоларни тадқиқ этишда уларни бошқа принципларга асосланиб ўрганишдан ўзига хос қатор хусусиятлари билан фарқ қилади. Хусусан, плюрализм бутун борлиқ асосида ёлғиз материяни қўядиган

³ Қаранг: Данильян О.Г., Тараненко В.М. Философия. Учебник. – М.: 2005. – С.290.

⁴ Сырых В.М. История и методология юридической науки. Учебник. – М.: 2012. – С.96.

⁵ Қаранг: Пьянов Н.А. О понятии методологии юридической науки // Пролог: журнал о праве. – Т. 2. 2014. – С.21.

материалистик монизм ёки фақат рух, гоёни қўядиган идеалистик монизмдан фарқли ўлароқ ҳолда муаммога кенгроқ, турли қарашлар ва фикр-мулоҳазалар билан ҳисоблашишни тақозо этади.

Жумладан, плюрализм принципи давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишида асосан иқтисодий омилга урғу бериб, бошқа омилларни эътибордан четда қолдиришни рад этади. Ушбу жараёнларга таъсир кўрсатган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, жуғрофий, этник-миллий омилларни баравар ҳисобга олади. Шунинг билан бир қаторда, плюрализм принципи давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид турли назарияларни, бу борада юридик фанларда эришилган ютуқлар билан бир қаторда ижтимоий-гуманитар фанларнинг бошқа соҳаларида эришилган ютуқларни ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Шунингдек, плюрализм принципи давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни кечган ҳудудлар аҳолиси турмуш тарзининг, менталитетининг, урф-одатларининг, анъаналарнинг, тараққиёт даражасининг, этник ва миллий таркибининг, диний эътиқодининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб масалага ёндашишни, булар ҳақида билдирилган турли фикр-мулоҳазаларга тадқиқотчи ўз муносабатини билдиришини ҳам талаб қилади. Бундан ташқари, плюрализм принципи давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида олган ижтимоий табақа, синф, гуруҳ, миллат, ҳаракат, партия ва бошқалар манфаатдангина келиб чиқиб эмас, ўрганилаётган ҳудуд аҳолисининг умум манфаатини ҳисобга олиб ёндашиш лозимлигини ҳам эътироф этган ҳолда, ушбу ёндашув доирасида билдирилган хилма-хил фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олишга ҳам ундайди.

Ўрганилаётган масала бўйича бошқа тадқиқотчиларнинг хилма-хил фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш изланувчининг аниқ, равшан, асослантирилган қарашлар, фикр-мулоҳазалар ва хулосаларга эга бўлиши, уларнинг оқибати учун масъулиятли бўлиши, илмий баҳс-мунозара маданияти қоидаларига риоя қилиши кабиларни ҳам инкор этмайди, аксинча, плюрализм уларни талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши масалаларида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва чиқарилган якуний хулосалар муайян жамиятнинг манфаатларига, умумбашарий қадриятларга, ахлоқ нормаларига, миллатлараро тотувликка, диний бағрикенгликка, тинчлик ва барқарорликка, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига, миллий қонунчиликка зид бўлмаслиги, урушни, миллий ва диний адоватни тарғиб қилмаслиги, диний экстремизм ва террорчиликка ундамаслиги, буюк миллатчилик, ирқчилик, миллатчилик,

фашизм каби ғоялардан йироқ бўлиши, уларни ташвиқот-тарғибот қилишга замин яратмаслиги шарт.

Хуллас, воқеликни, шу жумладан давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши жараёнини илмий ўрганишнинг муҳим принципи бўлган плюрализм маърифий жамият учун хос принцип сифатида ушбу жараёнини сиёсий-ҳуқуқий фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги асосида изоҳлаш, тушунтириш, талқин этиш ва хулосалар чиқариш, улар асосида таклиф ва тавсиялар беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўрганилаётган муаммо бўйича тадқиқотчи томонидан янги, илғор, ҳаётбахш, ҳақиқатни аниқлашга хизмат қиладиган натижаларга эришишга имконият яратади.

Кўпчилик илм аҳли томонидан илмий изланишларни амалга оширишда қўлланиладиган принциплардан бири бу – ўрганилаётган муаммога холисона ёндашув принциpidир. Ушбу принципдан деярли барча фанлар соҳасида етакчи принциплардан бири сифатида фойдаланилади. Бундан давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига бағишланган илмий изланишлар ҳам мустасно эмас.

“Холисона”, “холислик” сўзларининг негизи бўлган “холис” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, тоза, қоришмасиз, самимий, бўш, холи маъноларини англатади. Кундалик ва илмий мулоқотда “холис” сўзи воқеликни ҳаққоний назар билан қарайдиган, объектив баҳолайдиган: беғараз, самимий, таъмасиз; юридик соҳада қамокқа олиш, тинтув ўтказиш кабиларда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракатларида холис гувоҳ сифатида қатнашган шахс; бирор кимса ёки нарсадан холи бўлиш маъноларида қўлланилади. “Холисона” сўзи араб ва форс тилларида холислик билан, объектив тарзда каби маъноларни англатиб мулоқотнинг турли шаклларида ҳаққонийлик билан, объектив ҳолда, ўз манфаатини кўзлаган ҳолда, таъма қилмасдан; беғараз муносабат билдириш маъноларида қўлланилади⁶.

Холислик, Жаҳон фалсафаси қомусида қайд этилишича, инсоний фазилатлардан бири бўлиб, атрофдагиларга беғараз, чин дилдан, самимий яхшилик қилишни англатувчи тушунча. Холислик ҳаммага бир хил назарда бўлиш, бирор манфаат юзасидан бирор воқеага ноҳақларча ён босмайдиган, воқеа-ҳодисага адолат юзасидан самимий таъмасиз ёндашиш. Бирор амални холислик билан бажариш, юксак олийжаноблик намунаsidир. Холислик фазилати аксарият ҳолларда мухлис инсонларда мавжуд бўлади. Холислик ҳақида зикр этилганлар ушбу фазилат ҳақидаги умумий фикр-мулоҳазалар бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, инсоннинг турли воқеа-ҳодисаларга

⁶ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2008. – Б.407.

муносабатининг мазмун-моҳияти, улар ўртасидаги алоқалар бўйича амалга ошириладиган илмий изланишларда ўзига хос тарзда намоён бўлиши мумкин.

Шунингдек холислик, инсон фаолиятининг турли йўналишларида шу жумладан илмий фаолиятда ҳам ўзига хос ҳолда намоён бўлади. Бу давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига бағишланган мавзуларда илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда алоҳида олган ижтимоий қатлам, синф, гуруҳ, ҳаракат, партия, ирк, миллат манфаатларидан у ёки бу мафкура, илмий мактаб ва назария нуқтаи назаридан келиб чиқиб масалага ёндашмасдан ўрганилаётган объект ва предметга улар қандай бўлса шундай ёндашиш ва баҳо бериш, хулоса чиқариш, ўрганилаётган масала бўйича адабиётларда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг ютуқлари ва камчиликларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик, тадқиқотчи ўзининг беғараз, чуқур ва ҳар томонлама илмий асосланган фикр-мулоҳазаларини билдириши, ўз хулосаларини чиқариши, таклиф ва тавсияларини бериши лозим. Илмий тадқиқот натижалари ва улар асосида чиқарилган хулосалар ҳар қандай субъективизм унсурларидан холи бўлиши, ўрганилаётган масалалар бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалар ва чиқарилган хулосаларнинг фақат ижобий томонларига эътиборни қаратмасдан, камчиликларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда илмий изланишларда холисликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири юридик фанлар билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйишдир. Бу борада айниқса юридик фанлар билан тарих, археология, манбашунослик, этнография, фалсафа, социология, сиёсатшунослик, шарқшунослик, диншунослик каби ижтимоий-гуманитар фанлар ўртасидаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Аниқ тарихий маълумотларга эга бўлмасдан, археология фани ютуқларидан баҳраманд бўлмасдан, қадимги ёзма манбалар, айниқса ҳуқуқ манбаларидан фойдаланмасдан, табиат, жамият ва инсон тафаккури тараққиёти қонуниятлари сир-асрорларини ўрганишда фалсафа фани ютуқларини ҳисобга олмасдан, давлат ва ҳуқуқнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли, уларнинг жамиятнинг бошқа институтлари билан ўзаро алоқаси ҳақида тасаввурга эга бўлмасдан, сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсий муносабатлар, давлат билан сиёсат, сиёсий нормалар билан ҳуқуқий нормалар ўртасидаги алоқалар, уларнинг умумий, ўхшаш ва ўзига хос хусусиятларини билмасдан давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига оид мавзуларда холисона илмий изланишларни олиб бориш мумкин эмас.

Илмий изланишларни амалга оширишнинг таянч принципларидан бири оламни билиш мумкинлиги принциpidир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки,

инсон ўзини ўраб турган атроф оламни, унда юз бераётган ва берадиган воқеа-ҳодисаларни, улар ўртасидаги алоқаларни билишга қодирми ёки йўқми деган масала илм фандан энг азалий масалалардан бири бўлган, ҳозир ҳам бу масала турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу албатта бежиз эмас.

Биринчидан, олам мураккаб, серқирра ва кенгқамровли бизни ўраб турган борлиқ.

Иккинчидан, инсон қанчалик ҳаракат қилмасин бутун оламнинг барча сир асрорларини тўлиқ билишга қодир эмас.

Учинчидан, оламни билишга ҳаракат қилувчиларнинг дунёқарашининг хилма-хиллиги, улар орасида материалистлар, идеалистлар, масалан диний, мифологик, илмий нуқтаи назардан ёндашувчиларнинг борлиги.

Оламни билиш принципининг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, унинг давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ҳамда ривожланиш жараёни билан боғлиқ мавзуларда илмий изланишларни амалга оширишдаги ўрни ва ролини очиқ бериш учун “олам”, “билиш” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Араб тилида “олам” сўзи дунё, жаҳон, коинот, халқ, омма маъноларини англатади. Кундалик ва илмий мулоқотда бутун мавжудот, борлиқ, коинот, дунё; бутун жаҳон, дунё, ер юзи ва ундаги инсонлар, халқлар; табиатда мавжуд бўлган нарсаларнинг бир дунёси; ўзига хос хусусиятлари, мақсади, мослиги билан ажралиб турадиган ижтимоий гуруҳ, жамият; одамнинг маънавий ички дунёсининг ўзига хослиги; бирор соҳа, жабҳа; бу дунё, мавжуд дунё маъноларида қўлланилади⁷.

Жаҳон фалсафаси қомусида берилган изоҳга кўра, олам-инсонни ўраб турган дунё ҳақидаги кенг қамровли тушунча, маълум маънодаги воқеаликнинг ифодаси. Оламни тушунишнинг кенг ва тор маънодаги турлари бор. Тор маънода тушунишга оламнинг бир қисми ҳақидаги тушунчаларни киритиш мумкин. Буни ўсимликлар олами, хайвонот олами кабилар мисол бўлади. Кенг маънода олам деганда барча нарсалар, жисмлар, ҳодисаларни қамров олувчи умумий, мураккаб, серқирра ва кенгқамровли тизим тушунилади.

Оламнинг намоён бўлиш шакллари хилма-хил, моддий (жисмоний-физик) олам, маънавий олам, долзарб олам, потенциал олам, конкрет (муайян) олам, абстракт (мавҳум) олам шулар жумласидандир⁸.

Кенг маънодаги оламнинг намоён бўлиш шаклларида бири инсоният оламидир. Инсон инсоният оламининг намоён бўлиш бир шакли жамиятнинг энг кичик заррачасидир. Инсон жамият ва унинг таркибий қисмлари, шу

⁷ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.105-106.

⁸ Бу ҳақда батафсил қаранг: Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Б. 20.

жумладан давлат ва ҳуқуқнинг ихтироси ва ташкилотчисидир. Инсоннинг кундалик ҳаёти реал оламдир. Инсон кундалик ҳаётида турли ижтимоий-сиёсий институтларга дуч келади, улардан ўз манфаати йўлида фойдаланади, ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ушбу институтларни такомиллаштиради, талабга жавоб бермайдиганларни ўрнига янгисини, ўзига маъқул келадиганини ташкил этади. Бундан давлат ва ҳуқуқ ҳам мустасно эмас.

Инсон давлат ва ҳуқуқни ташкил қилиши ундан ўз манфаати йўлида фойдаланиши, уларни ривожлантириши ва зарур йўналишда ўзгартириши учун давлат нима?, Ҳуқуқ нима?, Давлат ва ҳуқуқ ижтимоий ҳаётда қандай роль ўйнайди, қандай вазифаларни бажаради?, Давлат ва ҳуқуқнинг истиқболи қандай бўлади? каби саволларга жавоб топиш зарурияти туғилади.

Бунинг учун давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, уларнинг мазмун-моҳиятини, ривожланиш қонуниятлари кабиларни билиш керак бўлади. Бунинг учун “Билиш” нима?, умуман олганда давлат ва ҳуқуқни билиш мумкинми? – деган саволларга жавоб бериш лозим бўлади. Бутун оламни билиш, билмоқ феъллари кундалик ҳаётда ва илмий мулоқотда борлиқ ва унинг объектив қонуниятларини ўрганиш, англаш, ўзлаштириш, эгаллаш; бир-бирини яхши билиш; хабар олиш, кириб кўриш; бирор нарса, ҳодиса ёки фикрнинг моҳиятига етмоқ, бирор соҳада маълумотга эга бўлмоқ; бирор соҳа ёки маълум ўқув ёки (ва) малакага эга бўлмоқ, турмуш тажрибаси туфайли хабардор, ошно, таниш бўлмоқ; хабардор, воқиф бўлмоқ маъноларида қўлланилади”⁹.

Фалсафий маънода билиш-оламнинг инсон онгида инъикос этиши ва одам зотининг билимларига эга бўлиш жараёни, ҳиссий қабул қилиш, абстракт тафаккур ва ақлий фаолият натижасини англатадиган тушунча. Билишнинг маҳсули, натижаси билим бўлиб, ҳар қандай касбни эгаллаш фақат билим орқали рўй беради. Билим фақат инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий заруриятдир. Инсон ўзини қуршаб олган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон бир тури билан шуғуллана олмайди.

Билишнинг назарий асосларини ўрганувчи фан гносеология-билиш ҳақидаги таълимот (фан) “онг ҳақидаги таълимот бўлиб, ушбу фан инсоннинг илми билиш имконияти, унинг ўзлигини англаш жараёни, билишнинг билмасликдан билим сари юксалиши, билимлар табиати ва уларнинг мазкур билимларда акс этувчи нарсалар билан ўзаро нисбати каби масалаларни ўрганиш билан шуғулланади. Мазкур фан кўзга кўринмас онгни идрок этиш, онгнинг моддий нарса ва ҳодисалар дунёси-олам билан ўзаро алоқаларига аниқлик

⁹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 262-263.

киритиш, уни ўз муҳокамаси ва тадқиқот предметига айлантириб тегишли хулосалар чиқариш каби вазифаларни бажаради. Бизни қизиқтирган масала ижтимоий оламнинг бир қисми бўлиб, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёни гносеология фани предметининг бир бўлаги – кичик бир қисмини ташкил қилади. Чунки, ушбу жараён инсон онгли фаолиятининг бир йўналиши бўлиб, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишида айнан инсон ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Масалан, гносеология фани нуқтаи назаридан ёндашиладиган бўлсак, тадқиқотчилар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнининг мазмун – моҳиятини чуқур, атрофлича очиб беришга, барча қирраларини бекаму-кўст илмий таҳлил қилишга, мазкур жараённинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий, мафкуравий ва бошқа шарт-шароитлар ҳамда унга таъсир кўрсатган омиллар ҳақида тўлиқ ва ҳеч қандай шубҳа уйғотмайдиган маълумотлар тўплаш имкониятига эгами? – деган саволга ижобий жавоб бериш бир мунча мушкул.

Бунинг сабаби бизни қизиқтирган масала узоқ ўтмишга бориб тақаладиган масала эканлиги, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳақида ишончли, тўлиқ ва атрофлича маълумот берувчи ёзма манбаларнинг йўқлиги, бор бўлган бўлса ҳам бизгача етиб келмагани, турли минтақаларда ва мамлакатлар шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши айнан бир хилда кечмасдан ўзига хос ҳолда юз бергани кабилардир.

Умуман оламни тўлиқ, ҳар томонлама ва чуқур билиш мумкинми деган саволга ҳозиргача аниқ жавоб бўлмаган, бўлмаса ҳам керак. Ушбу масала турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ва бўлаётган азалий масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур масалага ёндашувчилар икки гуруҳга бўлинишган. Бу бўлиниш ҳозир ҳам давом этмоқда. Биринчи гуруҳ – элитаризм тарафдорлари, иккинчи гуруҳ – радикализм тарафдорлари.

Оламни билиш масаласи бўйича тадқиқотчилар эмпирик ва рационалистик ёндашувчи гуруҳларга ҳам бўлинишган. Эмпирик ёндашув асосчилари Франсус Бекон, Джон Локк, Томо Гоббс, Давид Юм, Людвиг Фейрбах ва уларнинг издошларининг фикрига биноан инсон онги замирида ё шахсий тажриба, ё бошқалар тажрибаси, бутун инсоният тажрибасини умумлаштириш орқали пайдо бўлишини, шаклланиши ва ривожланишини эътироф этадилар, ўзларининг сўнги фикрини исботлашда тажриба инсон онгида унинг излари ва ўзини ўраб олган дунёни идрок этиш орқали акс этишини кўрсатадилар.

Рационалистик ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, инсондаги туғма ғоялар, адолат, инсонийлик, уйғунлик, эзгулик, яхшилик, шафқат, мурувват каби ғояларни тажрибадан олиб бўлмайди. Улар инсон табиатидан

келиб чиқадиган ғоялардир. Рационалистларнинг ўзлари ҳам икки гуруҳга: моддий ва мўътадил гуруҳларга бўлинади.

Ашаддий рационалистлар Плотон, А. Августин ва уларнинг издошлари ғоялар инсон ақлига хос туғма ғоялар, уларни инсон фақат ўз ақлидан олади деган фикрда бўлсалар, мўътадил рационалистлар Г.Ф. Лейбниц, Х. Вольф, А.Г.Блунжарменлар ғоялар инсон ақлига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса-да, улар ақлда тафаккур ва фалсафий мушоҳада юритиш жараёнида туғилади, шаклланади ва ривожланади деган фикрни ёқлайдилар.

Гносологиянинг муҳим масалаларидан бири оламни билиш борасидаги инсон билимининг чегараси масаласидир. Ушбу масала бўйича ҳам олимлар, хусусан файласуфлар ўртасида яқдиллик бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ, бу масалада фикрлар хилма-хил. Эмприклардан Д.Юм, Д.Раймонд ва агностликлар, рационалистлар И.Кант ва унинг тарафдорлари инсон нафақат умумий нарса ва ҳодисаларни, балки муайян, аниқ нарсалар ва ҳодисаларни ҳам билишга қодир эмас деган фикрдалар.

Оламни билиш мумкинми?, Билишнинг чегаралари борми? – деган саволларга ҳам жавоблар турлича: оптимистларга кўра, оламни билиш мумкин, **скептицизм** тарафдорлари фикрича, оламни билиб бўлади, лекин билимнинг ҳақиқийлигига шубҳа билдиради, **агноситлар** оламни билишни рад этадилар. Оламни инсон билиши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳозирги даврда ҳам келажакда ҳам давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

Инсоннинг оламни билиши ва ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишининг турли шакллари мавжуд.

Оламни билишнинг шакллари билиш усуллари билан боғлиқ. Улардан энг муҳимлари: моддий-техникавий усул – тирикчилик воситаларини ишлаб чиқиш (яратиш), ишлаб чиқариш, меҳнат қилиш, тажриба ўтказиш ва бошқалар, маънавий усул – инсоннинг ўрганаётган нарса, предмет, воқеа, ҳодисаларга муносабатларида ўз аксини топади.

Инсоннинг олам ҳақидаги билимга эга бўлишининг кундалик амалий билим, турли ўйинлар амалий билим орттириладиган билим, бадий билим, мифологик билим, диний билим, фалсафий билим, илмий билим, шахсий билим, ижтимоий билим каби хусусиятлари ҳақида ўқув адабиётлари, қомус луғатларида тегишли маълумотлар берилган¹⁰.

Бизни қизиқтирган масала – давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнини билишда илмий билиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹⁰ Қаранг: Шермухамедова Н. Фалсафа. Ўқув услубий мажмуа. – Т.: "NOSNIR", 2012. – Б. 378-387; Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Биринчи китоб. – Б.176-177.

Билишнинг энг олий шакли бўлган илмий билиш бу – фандир. Илмий билиш – фан билишнинг бошқа шаклларида ўзининг бир қатор хусусиятлари билан фарқ қилади: Булар билиш объекти ва предметининг аниқлиги, ўз олдида аниқ пировард мақсадни кўйганлиги, асосий вазифаси билиш объекти ва предметининг ўзгариши ва ривожланиш қонуниятларини аниқлашдан иборатлиги воқеликни моддий ва объектив ўрганишга қараб мўлжал олишга ўрганилаётган объект ва предмет объектив қонунларга кўра мавжудлиги, амалда бўлиши ва ривожланишини ҳисобга олиши кабилардир. Бевосита бизнинг тадқиқотимиз мавзусидан келиб чиқиб, масалага ёндашадиган бўлсак, тадқиқотимиз объекти давлат ва ҳуқуқ, предмети Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёни, тадқиқотдан кўзлаган пировард мақсад Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши қонуниятларининг ўзига хос хусусиятларини аниқ маълумотлар асосида кўрсатиб бериш, тадқиқот жараёнида мавзуга оид мавжуд маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш, сўнги аниқланган манбалар маълумотларига асосланиб, уларга баҳо бериш, тадқиқот жараёнида топилган (аниқланган) моддий ва маънавий манбаларни илмий муомалага киритиш, тадқиқот натижалари асосида танланган мавзу бўйича чуқур ва ҳар томонлама асослантирилган хулосалар чиқариш.

Бунинг билан Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши билан боғлиқ муаммоларнинг барчаси ўз ечимини топдимми?, Улар бўйича келажакда илмий изланишларга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайдими?, Мавзу бўйича илмий изланишларга охири нуқта қўйиладими? каби саволларга қатъий жавоб бериш ҳақиқатга яқин бўлмайди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб қолмаган, қолмайди ҳам. У доим ўзгаришда ва ривожланишда. Шу жумлалар илмий изланишлар ҳам бир жойда тўхтаб қолиши мумкин эмас, тадқиқотчи изланишлар амалга оширилган пайтда ўз ихтиёрида бўлган маълумотларга асосланиб, мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради ва хулосалар чиқаради. У ким бўлишидан қатъий назар мавзу бўйича илмий изланишларга охири нуқтани кўя олмайди. Шу маънода унинг фикр-мулоҳазалари ва хулосалари нисбийдир. Келажакда айнан шу мавзу бўйича янги муаммолар аниқланиши, янги манбалар топилиши ва маълумотлар аниқланиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу мавзу бўйича бугунги билдирилган фикр-мулоҳазалар ва чиқарилган хулосаларнинг ўзгаришига, ҳатто чиппақка чиқарилишига сабаб бўлишини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Хуллас, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши мавзусида амалга оширилган илмий изланишлар натижалари юз фоиз тўлиқ, бекаму-қўст, келажакда бу мавзуда илмий изланишлар олиб бориш керак эмас дейиш масалага илмий ёндашувга зид. Бундай хулоса илм-фаннинг

ривожланишига тўлиқ бўлишдан бошқа нарса эмас. Бизнинг мавзу бўйича билимларимиз нисбий бўлиб қолаверади, изланишлар давом этаверади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар, шу жумладан юридик фанлар соҳасида амалга ошириладиган илмий изланишларнинг муҳим принципларидан бири тарихийликдир. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, юридик фанлар методологиясига бағишланган адабиётларнинг кўпчилигида тарихийлик илмий изланишларнинг принципи сифатида эътироф этилади¹¹. Биз ҳар иккала ёндашувга ҳам қўшилган ҳолда уларнинг тарафдорлари ўз ўрнида ҳақ деб ҳисоблаймиз. Шунинг билан бир қаторда, тарихийлик принципи, тарихийлик методидан кенгрок, чуқуррок, серқиррарок раҳбарий аҳамият касб этувчи, етакчи ғоядир. Тарихийлик метод сифатида эътироф этилганда тадқиқотни амалга оширишдан фойдаланиладиган усул, танлаб олинган ёндашув йўли назарда тутилади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тарихийлик тарихга оидлик; ҳар бир воқеа ёки ҳодисани уни юзага келтирган муайян тарихий шароит билан узвий боғлиқликда текшириш ва баҳолашдан иборат диалектик тамойил сифатида қўлланилиши қайд этилган¹².

Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғатида ёзилишича, тарихийлик – ўтмишда содир бўлган ҳар қандай воқеа, ҳодиса, жараёни **конкрет** тарихий вазиятдан, муайян шарт-шароит, аввалги ва бўлажак воқеалар билан узвий алоқада тадқиқ этиш, ўрганиш, англаш ва ундан тўғри хулоса чиқаришни талаб этадиган илмий тамойилларни ифодаловчи атама. Тарихийлик ўтмишда ва бугунги кунда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларнинг одамлар онгида қандай акс этиши, тарихий адабиётлар орқали ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнини кузатиш, жамият ривожланишининг турли босқичларида тарихий билимларнинг ўсиб бориш жараёнини кузатиш имконини беради. Шунингдек, тарихийлик маълум босқич ёки даврда ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муҳитнинг ҳаётга таъсирини, у ёки бу йўналишдаги ривожланиш ва таназзулга юз тутиш сабабларини аниқлайди. Тарихийлик тадқиқотларнинг қатор усулларида ўз аксини топади. Қиёсий-тарихий усул, аниқ тарихий усул, мантиқий таҳлилий усул, хронологик усул, даврлаштириш усули шулар жумласидандир¹³.

Тарихийлик тамойили учун ўзига хос хусусиятлардан бири бу – ўрганилаётган муаммога тадқиқот амалга оширилаётгани давр шароитидан,

¹¹ Қаранг: Пьянов Н.А. О понятии методологии юридической науки // Пролог: Журнал о праве, 2014. – Т.: 4. – С. 21.

¹² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007 йил – Б. 682.

¹³ Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б.536.

мухитидан келиб чиқиб эмас, балки воқеа, ҳодиса ва жараён юз берган вақт, давр, босқичнинг шарт-шароити ва мухитидан келиб чиқиб ёндашишни талаб қилишдир. Ўрганилаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнлар улардан олдингилардан қайси жиҳатлари билан фарқ қилиши, қандай янгиликларни ўзида акс эттирилганлигига алоҳида эътиборни қаратиш талаби тарихийлик ва тамойилини яна бир ўзига хос хусусиятидир.

Тарихийлик принципини вақтдан ажратиб бўлмайди. Тарихийлик вақт, муддат ва замонда юз берган ва маълум бир ҳудудда, минтақада вужудга келган ва ривожланган жараёнлар **бирлигини**, ана шу замонда, даврда ва ҳудуд, минтақада шаклланган, мазмунан бойиган хилма-хил қарашлар, маънавий – рухий ғоялар, фикр-мулоҳазалар, ижтимоий-сиёсий муносабатлар замирида ётган маълум мақсад ва интилишларни ўзида мужассам этади¹⁴.

Юқорида зикр этилганларга таяниб, Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнини тадқиқ этишда тарихийлик принципини тадбиқ этадиган бўлсак, унда ушбу жараён қачон ва қандай шароитда юз берганини, ундан олдинги даврда шунга ўхшаш жараёнлар қандай кечганлигини, биз ўрганаётган жараён аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилишини, мазкур жараён учун хос бўлган **янгиликлар** нимадан иборат бўлишини, ундан кейин юз берган жараёнлар қандай кечганлигини ҳисобга олишимиз талаб қилинади. Шундагина бизнинг тадқиқотимиз тарихийлик принципи талаби асосида амалга оширилган бўлиши, ушбу принципни тадқиқот жараёнида қўллашдан кўзланган мақсадга эришилган бўлиши мумкин.

Ҳар қандай илмий-тадқиқотни хусусан Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда, изланишларни амалга оширувчилар қатъий риоя қилиши шарт бўлган принциплардан бири ўрганилаётган масалага атрофлича ёндашишдир.

Мазкур принципга биноан изланувчига тадқиқ этилаётган масалага асосли равишда, ҳар томонлама, ҳамма томондан синчиклаб тадқиқот объекти ва предметининг барча қирраларини ўзига хос хусусиятларини, бошқа воқеа, ҳодиса ва жараёнлар билан алоқаларини, уларнинг ўрганилаётган объект ва предмет билан ўзаро таъсирини эътибордан четда қолдирмасдан ёндашишни талаб қилинади.

Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда илмий изланишлар олиб борувчилар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиш жараёнлари кечган ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви, иқлим шароити, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,

¹⁴ Қаранг: Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2022. –Б 278.

иктисодий ва маданий тараққиёт даражаси, бошқа ҳудудлар билан алоқа қилиш имкониятлари, аҳолининг этник таркиби, дини, эътиқоди, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, мазкур жараёнларнинг тезлашиши ёки секинлашувига таъсир кўрсатган ички ва ташқи омилларни ҳар томонлама ва синчиклаб таҳлил қилиши, асослантирилган ва ишончли хулосалар чиқарилиши лозим.

Хуллас, юқорида зикр этилган принциплар Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланишига оид мавзуларда илмий изланишларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар жараёнида уларга оғишмай риоя қилиш изланишдан кўзланган мақсадга эришиш ва ундан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш, тадқиқот натижаларига таяниб асослантирилган ишончли илмий хулосалар чиқариш, назарий ва амалий таклиф ва тавсиялар беришнинг гаровидир.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Қаранг: Назаров. Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти. 2002. – Б. 86, 265.
2. Қаранг: Панковская П.Я. Методология научных исследований. Курс лекций. Минск, 2002. – С. 12-13.
3. Қаранг: Данильян О.Г., Тараненко В.М. Философия. Учебник. – М.: 2005. – С.290.
4. Сырых В.М. История и методология юридической науки. Учебник. – М.: 2012. – С.96.
5. Қаранг: Пьянов Н.А. О понятии методологии юридической науки // Пролог: журнал о праве. – Т. 2. 2014. – С.21.
6. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Тўртинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2008. – Б.407.
7. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.105-106.
8. Бу ҳақда батафсил қаранг: Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Б. 20.
9. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд.– Т.: “Ўзбек миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 262-263.
10. Қаранг: Шермухамедова Н. Фалсафа. Ўқув услубий мажмуа. – Т.: “NOSNIR”, 2012. – Б. 378-387; Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Биринчи китоб. – Б.176-177.
11. Қаранг: Пьянов Н.А. О понятии методологии юридической науки // Пролог: Журнал о праве, 2014. – Т.: 4. С.21.

12. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилдли. Учинчи жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007 йил – Б. 682.
13. Қаранг: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б.536.
14. Қаранг: Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси. Иккинчи китоб. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти”, 2022. – Б 278.

